



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2373-2
2025 - yil 06 - May

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Аҳоли пунктларида ёввойи Ҳайвонларни сақлаш
Қоидаларига Қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш Ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 736-сон “Ёввойи Ҳайвонларни сақлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 18 майдаги 5, 18-сон Қарори (рўйхат рақами 2373, 2012 йил 21 июн) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 282-модда) билан тасдиқланган Аҳоли пунктларида ёввойи Ҳайвонларни сақлаш Қоидаларига иловага мувофиқ Қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар академияси билан келишилган.

3. Мазкур Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир
10-Aprel 2025-yil
2373 son



ABDUXAKIMOV
AZIZ
ABDUKAXAROVICH

Vazir
08-Aprel 2025-yil
21 son



TASHPULATOV AZIZ
ANVAROVICH

Kelishildi:

Vazir
28-Mart 2025-yil



XUDAYAROV
ASILBEK
ANVAROVICH

Vazir
20-Mart 2025-yil



ABDURAXMONOV
IBROXIM
YULCHIYEVICH

Fanlar akademiyasi
prezidenti
18-Mart 2025-yil



AYUPOV SHAVKAT
ABDULLAYEVICH

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлигининг 2025 йил 10 апрелдаги 2373-сон, Ички
ишлар вазирлигининг 2025 йил 8 апрелдаги 21-
сон Қарорига
ИЛОВА

**Аҳоли пунктларида ёввойи Ҳайвонларни сақлаш Қоидаларига киритилаётган Қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. Қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

“1¹. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 ноябрдаги 736-сон Қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар томонидан ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи Ҳайвонлар рўйхатига киритилган Ҳайвонларни (йиртқич, заҳарли ва инсон соғлиги ва ҳаёти учун хавфли Ҳайвонлар) сақлашга нисбатан тадбиқ этилмайди.”.

2. 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “зоопарклардан” деган сўз “Ҳайвонот боғларидан, питомниклардан” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Ёввойи Ҳайвонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон Қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-

таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 18-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан бериладиган гувоҳномалар асосида питомникда сақланиши мумкин.”.

4. 10-банд Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Ёввойи ҳайвонлар ҳисоби ҳар йили 1 январь ҳамда 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси томонидан юритилади ва бу тўғрисида далолатномалар расмийлаштирилади. Бунда далолатнома уч нусхада тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси ва питомник эгаси томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси ҳудудий бўлинмада қолдирилиб, иккинчи ва учинчи нусхалари питомник эгаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига тақдим этилади.”.

5. 11-банддаги “шароитлар,” деган сўз “минимал талаблар,” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 12-бандда:

тўртинчи хатбоши Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирокисиз питомникларда сақланаётган Ўзбекистон фаунасига мансуб ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, касал ва жисмоний нуқсонга эга ҳайвонларни ўзбошимчалик билан табиатга чиқариб юбориш;”;

олтинчи хатбошидаги “ундаш.” деган сўз “ундаш;” деган сўз билан алмаштирилсин;

Қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон фаунасига бегона (инвазив) бўлган ёввойи ҳайвонлар турларини табиатга қўйиб юбориш;

бир-бирига хавф соладиган Ҳайвонлар турларини битта ёки яқин жойга жойлаштириш;
ёввойи Ҳайвонларни жамоат жойларида олиб юриш ва уларни сайр қилдириш, шунингдек, махсус қафасиз бошқа жойларга ташиш.”.

7. 16-бандда:

“в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) ёввойи Ҳайвонларни ўзининг тури билан урчитиш;”;

“г” кичик банддаги “бошқариш.” деган сўз “бошқариш;” деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги “д” ва “е” кичик бандлар билан тўлдирилсин:

“д) Ўзбекистон фаунасига бегона (инвазив) бўлмаган турларни Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари иштирокида табиатга қўйиб юбориш;

е) ёввойи Ҳайвонларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш”.

8. Илова мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Аҳоли пунктларида ёввойи Ҳайвонларни сақлаш
қоидаларига киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришларга
ИЛОВА

“АҲоли пунктларида ёввойи
Ҳайвонларни сақлаш Қоидаларига
ИЛОВА

Ёввойи Ҳайвонларни ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақлаш бўйича минимал талаблар

Сутэмизувчилар учун воъьерлар:

Ҳайвон турлари	Гуруҳдаги сони	Очиқ воъьер		Ички воъьер		Ҳар бир Қўшимча Ҳайвон учун		Тавсия этилган майдон ва баландлик
		Майдон (м ²)	Ҳажм (м ³)	Майдон (м ²)	Ҳажм (м ³)	Очиқ воъьер (м ²)	Ички воъьер (м ²)	
ҚўлҚанотлилар:								
Калонг	1	2,5	7,5	2,5	7,5	1	1	баландлиги 3 м
Қўршапалак	1	0,5	1,5	0,5	1,5	0,2	0,2	баландлиги 3 м
Приматлар:								
Игрункилар, тамарин, лори,	1	3	10	3	10	1,5	1,5	баландлиги 2 м

майда лемур ва бошқ.								
Ўрта лемур, капуцин	1	10	30	2	6	2	2	баландлиги 3 м
Йирик лемур, лангур, сифак, мангобей	1	10	40	6	30	4	4	баландлиги 4-5 м
Кемирувчилар:								
Олмахон, летяги	1	2	5	2	5	2	2	
Йирик олмахонлар, дарахт жайраси	1	6	15	6	15	3	3	
Жайралар	1	10	-	10	30	3	3	
Капибарлар	1	20	-	4	12	10	2	
Патагон мараси	1	10	-	10	30	4	-	
Суғурлар	1	10	20	-	-	10	-	
Енотсимонлар:								
Енотлар, Қизил панда (Гималай еноти)	1	10	-	4	8	2	1	
Носуха	1	10	25	8	20	2	3	
Сусарлар:								
Майда сусарлар (латча, оқ латча)	1	2,5	8	-	-	-	-	

СассиҚқўзан, норка	1	4	8	-	-	-	-	
Бўрсиқ	1	30	-	16	-	4	4	
Скунс	1	4	-	6	-	2	2	
Қундуз	1	25	-	-	-	-	-	120 м ²
Мангустсимонлар:								
Мангустлар, сурикат	1	4	-	4	12	2	1	
Виверрасимонлар:								вольернинг узулиги Ҳайвон узулигидан 10 баробар ортиҚ бўлиши керак
Цивет, фосса, бинтуронг	1	25	60	10	12	5	5	баландлиги 2,5-3 м дан кам бўлмаган

Жуфттуёқдилар:								
Ёввойи чўчқа	1	150	-	25	-	20	-	
Пекар	1	20	-	10	-	5		
Митти бегемот	1	50	-	25	100	-	-	
Лама	1	75	-	Ҳар бир Ҳайвон учун/8	7,5	30	-	
Туя	1	100	-	-	-	50	-	
Кичик буғулар (дик- дик ва бошҚ.)	1	25	-	10	-	20	-	
Майда буғулар (пуду, мунтжак)	1	25	-	10	-	15	-	
Газел, сайғоқ, жайрон	1	125	-	25	7,5	50	-	
Тоғ қўйи, ёлли қўй	1	100	-	-	-	40	-	
Йирик антилопалар	1	250	-	60	180	80	-	

Қушлар учун воъьерлар:

Қуш турлари	ТуруҲдаги сони	ОчиҚ воъьер		Ички воъьер		Ҳар бир Қўшимча Ҳайвон учун		Тавсия этилган майдон ва баландлик
		Майдон (м ²)	Ҳажм (м3)	Майдон (м ²)	Ҳажм (м3)	ОчиҚ воъьер (м ²)	Ички воъьер (м ²)	
ТуяҚушсимонлар:								
ТуяҚуш, нанду, эму	1	100		30	90	50	15	
Пингвинсимонлар:								
Йирик пингвинлар	1	12		12	60	6	6	Баландлиги 5 м
Майда пигвинлар	1	6		5	27	3	2,5	Баландлиги 3 м
КуракоёҚлилар (БирҚозонлар, ёки мешкопчилар):								
СаҚоҚушлар	1	40	120	30	12	20	15	
Қоравойлар	1	25	75	20	60	12,5	10	
Лайлаксимонлар:								

Йирик лайлаклар (марабу, оҚ, Қора лайлаклар ва бошҚ.)	1	50	150	30	90	25	15	
Йирик ҚарҚаралар (кулранг, катта, оҚ ва бошҚ.)	1	30	90	25	75	15	12,5	
Ўрта ҚарҚаралар (кўлбуҚа, ҲаҚҚуш, волчок ва бошҚа.), ибислар ва колпицалар	1	20	60	15	35	10	7,5	
Фламинго	1	40	120	30	90	20	15	
Турнасимонлар:								
Кулранг, япон, оҚ турна	1	40	120	30	90	20	15	
Гўзал турна	1	35	105	25	75	17,5	12,5	
ТўтиҚушсимонлар:								
Ара, какаду	1	5	15	4	12	2,5	2	
Майда чумчуҚсимон		0,3	0,9	0,15	0,45	0,15	0,75	

Қушлар, майда тўтиҚушлар ва бошҚ.								
БошҚалар								
Носорог Қушлар	1	4	12	3	9	2	1,5	
Йирик балиҚчилар	1	25	75	20	60	12,5	10	
Майда балиҚчилар	1	10	30	5	15	5	2,5	
Жаннат Қушлари	1	5	15	4	12	2,5	2	

Сутэмизувчилар учун сув Ҳавзалари:

Турлар	ГуруҲдаги сони	Майдон (м ²)	ЧуҚурлиги (м)	Ҳажм (м ³)	Ҳар бир Қўшимча Ҳайвон учун (м ²)
Сусар	1	0,5	0,2	0,2	-
Нутрия	1	1	0,5	1	0,5
Капибара	1	2	0,5	3	1
Қундуз	1	10	0,8	10	-
Митти бегемот	1	10	0,8	20	-

Қушлар учун сув Ҳавзалари:

Турлар	Гуруҳдаги сони	Майдон (м2)	Чуқурлиги (м)	Ҳажм (м3)	Ҳар бир Қўшимча Ҳайвон учун (м2)
Сақоқуш	1	7,5	0,75	5,5	5
Қоравой	1	1,7	1,25	2	1
Фламинго	1	1	0,3	0,3	0,5
Йирик пингвинлар	1	5	2	10	5
Кичик пингвинлар	1	1,7	2	3,5	2

Судралибюрувчилар учун вольтерлар:

Турлар	Гуруҳдаги сони	Қуруқлик майдони (м ²)	Сув майдони (м ²)	Ҳажм (м ³)	Баландлиги (м)	Ҳар бир Қўшимча Ҳайвон учун (м ²)	
						Қуруқлик майдони (м ²)	Сув майдони (м ²)

Қуруқликда яшовчи тошбақалар (15-25 см) (Ўртаосиё чўл тошбақаси, Ўрта ер денгизи тошбақаси ва бошқ.)	1	0,5	-	-	-	0,5	
Хамелеонлар	1	0,6	-	-	1	0,15	-
Игуана, сув агамаси, парус агамаси ва бошқ.	1	1	-	-	1	0,5	-
Ўрта эчкемарлар, тейид, хелодерматид ва бошқа йирик калтакесаклар (ўлчами 1 -1,2 м)	1	1,5	-	-	0,5	1	-
Ўрта калтакесаклар (соқолли агама, кўктил сцинки ва бошқ.)	1	0,5	-	-	0,3	0,15	-

Майда калтакесаклар (эублефар, агама, колот, сцинк, геккон, анолис ва бошҚ.)	1	0,2	-	-	0,2	0,10	-
Питонлар (тўрли питон, Қора йўлбарс питон, ёрҚин рангли йўлбарс питон, ва бошҚа заҳарли бўҒма турларидан ташҚари)	2	умумий узунлигидан 2/3 x 1/2	-	-	умумий узунлигидан 1/2, макс.2,2 м	ер юзасидан 1/7	-
Чипор илон ва бошҚа йирик бўлмаган, заҳарсиз илонлар	2	умумий узунлигидан 2/3 x 1/2	умумий узунлигидан 1/4 x 1/4	сув ҳавзасининг майдони умумий узунлигидан 0,1	умумий узунлигидан 1/2	ер юзасидан 1/7	

БалиҚларни саҚлаш:

Турлар	БалиҚ ўлчови (см)	Гуруҳдаги сони	Бир жуфт учун Ҳажм (л)
Чучук сув майда балиҚлари (гуппи, данио, барбус ва бошҚ.)	6 гача	5-10	5-7
Чучук сув ўрта балиҚлари (меченосец, моллинезия, майда лаҚҚа балиҚ ва бошҚ.)	7-12	5-10	30
Чучук сув йирик балиҚлари (гурами, олтин балиҚ ва бошҚ.)	15-20	2	40-45
Йирик ўлчамдаги балиҚлар (дискус, цихлид, араван, боции)	20 ва ундан кўп	2	150 л ва ундан кўп
Арапайма	300 гача	1	3000-5000

УмуртҚасизларни саҚлаш:

Турлар	Гуруҳдаги сони	Узунлиги (см)	Эни (см)	Баландлиги (см)
Кивсяки	2	80	40	40

Заҳарли бўлмаган майда ўргимчаклар	1	15	15	15
Заҳарли бўлмаган катта ва ўрта ўргимчаклар, Қушхўр ўргимчаклар	1	30	30	30
Қўнғиз, суварак	10 ва ундан кўп	40	30	20
Ари, асалари (асал берувчилар бундан мустасно)	до 500	50	50	30
Чумолилар фермаси (заҳарли бўлмаган йирик чумолилар)	до 500	25	20	6
Чумолилар фермаси (заҳарли бўлмаган майда чумолилар)	до 1000	16	15	6
Заҳарли бўлмаган она чумоли (пробирка)	до 30	15	1,6	1,6
Бошқа Ҳашоратлар	10-20	40	30	20
Йирик Ҳашоратлар	10-100	100	60	60

Изоҳ. Ёввойи Ҳайвонларни сақлашда қуйидаги талабларга роия қилиш талаб этилади:

ёввойи Ҳайвонлар сақланадиган жойлар уларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган қурилмалар (уялар, бошпаналар) билан жиҳозланиши ва барча жиҳозлар, шу жумладан электр жиҳозлари Ҳайвонларга шикаст етказмасдан ўрнатилиши;

ёввойи Ҳайвонларни сақлаш жойлари ёмғир, қор, шамол ёки қуёш нурлари тушишидан бошпана билан таъминланган бўлиши;

ёввойи Ҳайвонлар сақланадиган жойларнинг ҳарорат режими, вентиляцияси ва ёритилиши Ҳайвонларнинг турига мувофиқ таъминланиши;

қафаслар, вольерлар, террариумлар табиий атроф муҳит воситалари (тошлар, шоҳлар, дарахт тўсинлари ва ҳоказо) билан жиҳозланиши;

қафас, вольер ости бетонланган ёки металланмаган бўлмаслиги;

ҳаёт тарзи сув билан боғлиқ Ҳайвонлар (сувда сузувчи қушлар ва ҳоказо) учун сув ҳавзалари мўлжалланган бўлиши;

қафаслар, вольерлар, террариумлар табиий атроф муҳит воситалари (тошлар, шохлар, дарахт тўсинлари ва ҳоказо) билан жиҳозланиши.

Майдон ва ҳажм ўлчовлари вольернинг энг кичик рухсат этилган ўлчамларини белгилайди. Агар вольерда юқоридаги жадвалларда кўрсатилганидан камроқ Ҳайвон сақланса ҳам, унинг ўлчамлари кўрсатилган миқдордан кичик бўлмаслиги шарт.”.